

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**307** Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1974*

*(2009 йил 6 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил,

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.*

9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-330-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 138-модда) ва 2006 йил 29 августдаги «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги ПҚ-456-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 36-сон, 359-модда) қарорларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2006 йил 12 майдаги 44 ва 2006-26-сон «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2006 йил 15 июнь, рўйхат рақами 1583 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 24-сон, 222-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2006 йил 7 декабрда 99 ва 2006-48-сон «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (2006 йил 25 декабрь, рўйхат рақами 1583-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 521-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 май,  
50-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 май,  
2009-19-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Молия вазирлиги, Давлат солиқ  
қўмитасининг 2009 йил 1 майдаги 50,  
2009-19-сон қарорига  
ИЛОВА

**Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика  
корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат  
солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-330-сон «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 17-сон, 138-модда) ва 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) қарорларига мувофиқ пахта толаси ва линтни республика корхоналарига ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари орқали экспортга реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартибини белгилайди.

## **I. Умумий қоидалар**

1. Пахта толаси ва линтни (кейинги ўринларда пахта толаси деб аталади) экспортга ва пахта толасини қайта ишловчи республика корхоналарига (кейинги ўринларда республика корхоналари деб аталади) реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари (кейинги ўринларда ТИАИСВ компаниялари деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси валюта майдончаси (кейинги ўринларда ЎзРТХБ деб аталади) орқали чет эл валютасида амалга оширилади.

Республиканинг айрим тармоқларидаги корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра пахта толаси «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари (кейинги ўринларда «Пахтасаноат» ХАБ деб аталади) билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиниши мумкин.

2. Пахта толасини экспортга ва республика корхоналарига ТИАИСВ

компаниялари ва ЎзРТХБ орқали реализация қилиш ва пахта толаси учун ҳисоб-китоблар республика корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) қарорига мувофиқ амалга оширилади.

**II. Пахта толасини «Пахтасаноат» ҲАБга реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини акс эттириш тартиби**

3. Пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толасини «Пахтасаноат» ҲАБга реализация қилиш кондицион оғирликда улгуржи прејскурант нархларда:

республика корхоналарига реализация қилиш учун мўлжаллангани — қўшилган қиймат солиғининг 20 % ставкаси қўлланилган ҳолда;

экспортга реализация қилиш учун мўлжаллангани — қўшилган қиймат солиғини ноль даражали ставкаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ҳисобварақ-фактуралар пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толаси бўйича «Пахтасаноат» ҲАБнинг нарядлари асосида ёзилади.

Кейинчалик республика корхоналарига реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толаси бўйича ва кейинчалик экспортга реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толаси бўйича ҳисобварақ-фактураларни пахта тозалаш заводлари томонидан тўлдириш шакллари ва мисоллари мазкур Низомнинг 1 ва 1а-иловаларида келтирилган.

5. Пахта тозалаш заводларига пахта толасини экспортга етказиб беришда ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариб бериш Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомда (2008 йил 16 май, рўйхат рақами 1807 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 20-21-сон, 180-модда) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, пахта толасини экспортга реализация қилинганлиги тасдиғи сифатида пахта тозалаш заводлари «Пахтасаноат» ҲАБнинг нарядини ва ушбу наряд асосида ёзилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этадилар.

**III. Республика корхоналарига пахта толасини реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини акс эттириш тартиби**

6. Пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ қўшилган қиймат солиғини қўшилган қиймат солиғи сумма-

сини ўз ичига олувчи воситачилик ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаради.

7. Пахта толасини ЎзРТХБ орқали ва тўғридан-тўғри шартномалари бўйича республика корхоналарига реализация қилишда, шунингдек пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ёзиб бериладиган ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакллари ва мисоллари мазкур Низомнинг 2 ва 2а-иловаларида келтирилган.

«Пахтасаноат» ҲАБ ёзиб берилётган ҳисобварақ-фактурада пахта толаси қийматини ва қўшилган қиймат солиғи суммаларини тегишинча ажратиб кўрсатган ҳолда воситачилик ҳақи суммасини алоҳида сатрларда ажратиб кўрсатади.

Бунда, ҳисобварақ-фактуралар мазкур Низомга мувофиқ қатъий амал қилган ҳолда маълумотларни ўз ичига олиши керак.

8. ТИАИСВ компаниялари пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ҳисобварақ-фактурада «Пахтасаноат» ҲАБ ҳисобварақ-фактураларида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини, шунингдек компаниянинг воситачилик ҳақидаги қўшилган қиймат солиғи суммасини ажратиб кўрсатадилар.

Пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ТИАИСВ компаниялари томонидан ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 2б-иловасида келтирилган.

9. ТИАИСВ компаниялари томонидан ёзиладиган ҳисобварақ-фактурада ажратиб ёзилган қўшилган қиймат солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 218-моддасида назарда тутилган тартибда республика корхоналари томонидан ҳисобга олинади.

#### **IV. Пахта толасини экспортга реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммасини акс эттириш тартиби**

10. «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан пахта толасини экспортга реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олувчи ўзининг воситачилик ҳақи суммасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

11. Пахта толасини экспортга ТИАИСВ компаниялари орқали реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган.

12. «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ЎзРТХБ ва ТИАИСВ компаниялари орқали экспортга реализация қилинган пахта толаси ҳажмига белгиланган тартибда жаҳон нархларида қўшилган қиймат солиғисиз инвойс ёзиб берилди.

**V. Пахта тозалаш заводлари томонидан қўшилган  
қиймат солиғи ҳисоб-китобини тузишнинг ўзига хос  
хусусиятлари**

13. Пахта тозалаш заводлари Ҳисобга олинadиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоб-китобида (Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларининг 2-илоvasи) (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 3-4-сон, 15-модда):

4-устуннинг 01031 ва 01033-сатрларини, шунингдек 3-устуннинг 01034-сатрини тўлдирмайдилар;

5-устуннинг 05031-сатрида 5-устуннинг 0503-сатридаги қийматини так-  
рорлайдилар.

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Пахта толасини кейинчалик республика корхоналарига реализация қилиш учун «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаларига реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш  
МИСОЛИ**

**2009 йил 4 январдаги 10/1-010-сонли Нарядга**

**2009 йил 5 январдаги 104/007-сонли  
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Етказиб берувчи: ОАЖ «Қорақўл»  
Манзил: 106000, Қорақўл ш., Нурафшон кўч., 1  
Телефон: 56-57-321  
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:  
Банк:  
Банк коди:  
СТИР:  
ХХТУТ:

Сотиб олувчи: «Бухоро Пахтасаноат» ҲАБ  
Манзил: 105004, Бухоро ш., Ғиждувони кўч., 16  
Телефон: 223-00-64  
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:  
Банк:  
Банк коди:  
СТИР:  
ХХТУТ:

Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, биринчи нав, ўрта синф	кг	500,0	1 605, 058	802 530	20	160 506	963 036
2. Пахта толаси, 5 тур, иккинчи нав, олий синф	кг	1500,0	1 637, 158	2 455 737	20	491 147	2 946 884
<b>ЖАМИ</b>		<b>2000,0</b>		<b>3 258 267</b>		<b>651 653</b>	<b>3 909 920</b>

Жами тўлашга: уч миллион тўққиз юз тўққиз минг тўққиз юз йигирма сўм.

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Олдим \_\_\_\_\_  
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

М.Ў.

Товарни бердим \_\_\_\_\_  
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_-сонли ишончнома бўйича  
\_\_\_\_\_  
(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
1а-ИЛОВА

**Пахта толасини кейинчалик экспортга реализация қилиш учун «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш  
МИСОЛИ**

**2009 йил 4 январдаги 10/1-010-сонли Нарядга**

**2009 йил 5 январдаги 104/007-сонли  
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Етказиб берувчи: ОАЖ «Қорақўл»  
Манзил: 106000, Қорақўл ш., Нурафшон кўч., 1  
Телефон: 56-57-321  
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:  
Банк:  
Банк коди:  
СТИР:  
ХХТУТ:

Сотиб олувчи: «Бухоро Пахтасаноат» ҲАБ  
Манзил: 105004, Бухоро ш., Гиждувони кўч., 16  
Телефон : 223-00-64  
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:  
Банк:  
Банк коди:  
СТИР:  
ХХТУТ:

Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					став-каси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, биринчи нав, ўрта синф	кг	500,0	1 605, 058	802 530	0	0	802 530
2. Пахта толаси, 5 тур, иккинчи нав, олий синф	кг	1500,0	1 637, 158	2 455 737	0	0	2 455 737
<b>ЖАМИ</b>		<b>2000,0</b>		<b>3 258 267</b>			<b>3 258 267</b>

Жами тўлашга: уч миллион икки юз эллик саккиз минг икки юз олти миш етти сўм.

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

М.Ў.

Товарни бердим \_\_\_\_\_  
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Олдим \_\_\_\_\_  
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сонли ишончнома бўйича  
\_\_\_\_\_ (товар олувчининг Ф.И.Ш.)



Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Пахта толасини ЎзРТХБ орқали ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ХАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдирish МИСОЛИ**

**2008 йил 30 июндаги 804131-сонли шартномага**

**2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли  
ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юклаб жўнатиш санаси 07.07.08  
Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ХАБ  
Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўчи, 8  
Телефон: 253-05-71

Х-к ҳисобварақ рақами: 2021000200132912001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001  
Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454  
СТИР 200625964  
ХХТУТ 19900

Сотиб олувчи: ТАШ.БУМ, Ф-КА ГПО «ДАВЛАТ БЕЛГИСИ»  
Манзил: 111104 Тош.вил.Тош.р/н Ю-Абад  
Телефон: 124-94-77, 124-52-80

Х-к ҳисобварақ рақами: 21596000800447895001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:

Тошкент ш. МБ ҲҚМ ББ

МФО 00014

СТИР 201689900

ХХТУТ 15310

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларларида	1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејисурант (ўргана) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прејисурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	20%	14600246,12	87601476,73	87601476,73

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларларида	1 тонна учун ҚҚСиз улгуржи прејскурант (ўртгача) нархи	Махсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда махсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Ташиш харажатлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари						415845,83	20%	83169,17	499015,00	499015,00
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Юклаб жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прејскурант қиймат орасидаги фарқ										10981320,07
Жами:		АҚШ долл.								76871,80
Жами:		сўм								100772011,34
<b>Жами тўлашга:</b>										
Етмиш олти миң сақкиз юз етмиш бир доллар 80 цент										
Юз миллион етти юз етмиш икки миң ўн бир сўм 34 тийин										

Товарни олдим \_\_\_\_\_ (сотиб олгувчи ёки ваколатли вақилинг илғоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
 \_\_\_\_\_ -сонли ишоннома бўйича  
 \_\_\_\_\_ (товар олгувчининг Ф.И.Ш.)

Раҳбар \_\_\_\_\_  
 Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

М.Ў.  
 Товарни бердим \_\_\_\_\_ (етказиб берувчининг махсулот илаҳси илғоси)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
2а-ИЛОВА

**Пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ХАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш МИСОЛИ**

**2008 йил 30 июндаги 804131-сонли шартномага**

**2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли**

**ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юклаб жўнатиш санаси 07.07.08

Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ХАБ

Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўч., 8

Телефон: 253-05-71

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001

Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454

СТИР 200625964

ХХТУТ 19900

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс

Манзил: 100077, Буюк Ипак Йўли-75

Телефон: 68-72-41

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000100600099001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:

ЎзР ТИФ МБ Мирзо-Улугбек фил.

МФО 00895

СТИР 201281871

ХХТУТ 72100

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларлари	1 тонна учун ҚҚСsiz улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прејскурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	20%	14600246,12	87601476,73	87601476,73

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларлари	1 тонна учун ҚҚСиз улгуржи прејисурант (ўртача) нархи	Махсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда махсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондц. огирлиги				ставкаси	суммаси		
Ташқи харажатлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари						415845,83	20%	83169,17	499015,00	499015,00
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Юклаб жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прејисурант қиймаг орасидаги фарқ										10981320,07
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									100772011,34
<b>Жами тўлашга:</b>		<b>Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент</b>								
		<b>Юз миллион етти юз етмиш икки минг ўн бир сўм 34 тийин</b>								

Раҳбар \_\_\_\_\_  
 Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
 М.Ў.

Товарни бердим \_\_\_\_\_  
 (етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Товарни олддим \_\_\_\_\_  
 (сотиб олувчи ёки ваколатли вақилиниг имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
 \_\_\_\_\_ -сонли ишоннома бўйича  
 \_\_\_\_\_  
 (товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
26-ИЛОВА

**Пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ТИАИСВ компаниялари томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш МИСОЛИ**

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли товар юклаб  
жўнатиш ҳужжатига**

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли  
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс  
Манзил:  
Телефон:  
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:  
МФО  
шаҳар (туман) \_\_\_\_\_  
Етказиб берувчининг идентификация рақами  
(СТИР)  
ХХТУТ бўйича код \_\_\_\_\_

Сотиб олувчи: республика корхонаси  
Манзил:  
Телефон:  
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:  
МФО  
шаҳар (туман) \_\_\_\_\_  
Сотиб олувчининг идентификация рақами  
(СТИР)  
ХХТУТ бўйича код \_\_\_\_\_

1 АҚШ долл. = 1150 сўм.

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	500,0	1328,23 АҚШ долл.	х	х	х	664 115,00 АҚШ долл.
<b>«Пахтасаноат» ҲАБнинг 20__ й. «__» _____ даги ____-сонли ҳисобварақ-фактураси асосида нетто оғирлик бўйича қайта ҳисоб-китобдаги прејскурант нарх бўйича</b>							
2. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	1	1 тоннага 956 583,33 сўм	1 тоннага 956 583,33 сўм	20%	1 тоннага 191 316,67 сўм	1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прејскурант нархи 1 147 900 сўм
2.1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	500,0	1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прејскурант нархи 1 147 900 сўм	478 291 670 сўм	20%	95 658 330 сўм	573 950 000 сўм
2.2. «Пахта-саноат» ҲАБ мукофоти	%		Пахта толасини прејскурант нарх бўйича етказиб бериш қийматидан 1,5%	7 174 380 сўм	20%	1 434 870 сўм	8 609 250 сўм
3. Ўзмарказимпекс мукофот ҳақи	%		Чел эл валютасидаги қийматидан 0,5%	3 182 220 сўм	20%	636 440 сўм	3 818,660 сўм = 664 115,00 АҚШ долл. х 0,5% х АҚШ долл. курс
<b>Жами тўлашга</b>				<b>Олти юз олти миш тўрт миш бир юз ўн беш АҚШ долл.</b>			

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
М. Ў.

Товарни бердим \_\_\_\_\_  
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Олдим \_\_\_\_\_  
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилининг имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_-сонли ишончнома бўйича

\_\_\_\_\_  
(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали экспортга реализация қилишда  
«Пахтасаноат» ХАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш  
МИСОЛИ**

**2008 йил 30 июндаги 804131-сонли хабарномага**

**2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли  
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юлаб жўнатиш санаси 07.07.08

Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ХАБ

Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўч., 8

Телефон: 253-05-71

Х-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001

Валюта х-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001

Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454

СТИР 200625964

ХХТУТ 19900

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс

Манзил: 100077, Буюк Ипак Йўли-75

Телефон: 68-72-41

Х-к ҳисобварақ рақами: 20210000100600099001

Валюта х-к ҳисобварақ рақами:

ЎзР ТИФ МБ Мирзо-Улугбек фил.

МФО 00895

СТИР 201281871

ХХТУТ 72100

Товарлар (нишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		1 тонна учун КҚСиз улгуржи прейскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	КҚС		КҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	контд. отирлиги			ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55					76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прейскурант нархда	кг		50289	1451634,17	73001230,61	0	0,00	73001230,61	73001230,61
Ташиш харажатлари					545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари					202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Қабул қилиш									

Товарлар (нишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларларида	1 тонна учун ҚҚС сиз улгуржи прейскурант (уртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Юкдаб жўнатини						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прейскурант қиймат орасидаги фарқ										499015,00
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									75190445,15
<b>Жами тўлашга:</b>	<b>Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент</b>									

Товарни олдим \_\_\_\_\_  
(сотиб олувчи ёки ваколатли вақилининг имзаси)

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

М.Ў.

Товарни бердим \_\_\_\_\_  
(етказиб берувчининг маҳсулот шахси имзаси)

20 \_\_ йил « \_\_ » \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сонли ишончнома бўйича  
\_\_\_\_\_ (товар олувчининг Ф.И.Ш.)